



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 139 (12.700)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аскар Бобур (3-й) олинган сурат

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

БЎЛҒУСИ КУРСАНТЛАР СИНОВДАН ЎТДИ

Мамлакатимизнинг барча олий ҳарбий таълим муассасаларида 10 июль кунини давлат тест синовлари бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ҳарбий таълимни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув-тарбия ишлари ва қўшинларнинг жанговар фаолиятини ташкил этишнинг янги шакл ва методлари яратилмоқда. Зарур касб кўникмалари ва тақдирлар тайёрланмоқда. Ўқув-тарбия ишлари ва қўшинларнинг жанговар фаолиятини ташкил этишнинг янги шакл ва методлари яратилмоқда. Зарур касб кўникмалари ва тақдирлар тайёрланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 19 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизimini такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши бу борада дастуруламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ олий ҳарбий таълим муассасаларида тест синовлари 10 июлда ўтказилиб, курсантликка қабул қилинганлар рўйхати 15 июлда эълон қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий

таълим муассасаларида ёшлар ўттизга яқин мутахассислик бўйича таҳсил олмоқда. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида мотоўқчи ва чегара бўлиnmалари учун юқори малакали офицерлар тайёрланмоқда. Билим юртидаги замонавий ўқув хоналари, қурол-яроғ ва жанговар техника, машғулотлар ўтказиш комплекслари, спорт иншоотлари, ахборот-ресурс маркази ёшларни жисмонан ва маънан етук инсонлар сифатида шакллантиришга хизмат қилмоқда. Малакали профессор-ўқитувчилар тўрт йил давомида уларга касб сирларини ўргатмоқда.

Жорий йилда абитуриентлар сони янада кўпайди. Бу олий ҳарбий таълим муассасасида таҳсил олиб, келажакда офицер сифатида эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилишни истаган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётганидан далolatдир. Улар сафида муқаддас хизматни ўтаб бўлган ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар кўпчилигини ташкил этаётди.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Рамазон Аллаев ушбу олий ҳарбий таълим муассасасига ҳужжат топширди.

— Тест синовларини муваффақиятли топширишимга ишонаман, — дейди Рамазон. — Насиб этса, ушбу олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириб, Ватанимга хизмат қиламан, деган умид-даман.

— Ўғлим Бобурни қўллаб-қувватлаш учун келдик, — дейди бухоролик Ботир Дурдиев. — Уч ўғил-қизни тарбиялаб воғна етказдик. Кенжамиз Бобур ҳарбий билим юртига ўқишга кираман, дея тинмай ўқиб, спорт билан шуғулланиб келди. Омади келиб курсант бўлишдан умид қилиб турибмиз.

Шу кун Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетида ҳам тест синовлари ўтказилди. Ундан муваффақиятли ўтган ёшлар алоқа, телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ҳарбий мутахассис бўлиб етишади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда 15 июль кунини Ўзбекистон — Хитой ҳукуматларaro ҳамкорлик қўмитасининг Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича кичик қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Хитойнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, савдо-саноат, сармоя, иқтисодиёт, нефть-газ, кимё, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, қурилиш, озиқ-овқат саноати, геология, фармацевтика каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ганиев Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик бунча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2014 йилнинг май ойида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч қоралари бўйича кенгашининг IV саммитидаги иштироки ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ривожига янги босқич бўлди.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация асосида изчил тараққиёт этмоқда. 2011 йилда таъсис этилган Ўзбекистон — Хитой ҳукуматларaro ҳамкорлик қўмитаси савдо-иқтисодий ва сармоявий, хавфсизлик, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қўлайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзарo савдо айланмаси ҳажми муттасил ўсиб бораётди. Жорий йилнинг январь-май ойларида бу кўрсаткич қарийб 2,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокида тузилган 482 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Юртимизда Хитойнинг етмишдан зиёд компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТИ БЕРЛИНДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонасида мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти тақдироти ўтказилди.

Элчихона ҳамда Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича немис ассоциацияси (OMV) ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Германия ишбилармон доиралари, давлат идоралари ва тижорат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлди.

Тақдирот чоғида Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий ривожланиши, саноат корхоналарини модернизациялаш ва технологик жиҳозлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш юзасидан республикамиз ҳукумати томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий тараққиёти ҳамда инфратузилмаларни ривожлантиришга йўналтирилган давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ маълумотлар тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналари фаолияти ва уларнинг истиқболлари, мазкур ҳудудларда хорижлик сармоядорлар учун яратилган имтиёз ҳамда қўлайликлар тақдирот қатнашчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиши ҳам уларда катта таассурот қолдирди.

Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича немис ассоциациясининг (OMV) ижроочи директори Утэ Кохловски-Каджая мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш суратларига юқори баҳо берар экан, республикамизда чет эллик инвесторлар учун жозибали сармоявий муҳит яратилганини алоҳида таъкидлади.

Шуни қайд этиш жоизки, Ўзбекистон билан шериклик алоқаларини янада кенгайтиришга бўлган қизиқиш тобора ўсиб бораётгани, бундай интилиш кичик ва ўрта бизнес вакилларида кузатилаётгани тақдирот давомида бир неча маротаба айтиб ўтилди. Қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш учун Германия ишбилармон доиралари вакилларининг ўзбекистонлик шериклар билан алоқалар ўрнатишларига қўмақлашувчи Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича немис ассоциациясининг устувор вазифалари сирасига киради.

«LEMKEN» компаниясининг минтақавий менежери Ян Возейк ўз компаниясининг Ўзбекистондаги фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилди. У мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйган «LEMKEN Chirchiq» қўшма корхонасининг ишини ижобий баҳолади. «Уларга ўзбек фермерларида талаб катта эканлиги қувонарли ҳолдир», деди Ян Возейк.

Тадбир чоғида «LEMKEN» компанияси томонидан пахта экадиган янги агрегат ишлаб чиқилгани ва у ҳозир республикамиз далаларида синовдан ўтказилаётгани маълум қилинди. Қайд этилишича, компания мазкур янги агрегатни яқин келажакда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Куйи Саксония федерал ерининг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бирлашмаси раиси ўринбосари Вилли Оттинг Ўзбекистон билан самарали амалий шерикликини йўлга қўйишдан немис компаниялари манфаатдор эканлигини билдирди. У биогаз ускуналари ва қўёш модуллари ишлаб чиқарилиши, маиший чқиндиларни қайта ишлаш сингари соҳаларни ўзарo ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари сифатида қайд этди.

В. Оттинг юқорида тилга олинган соҳалардаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан ўзбекистонлик шериклар билан музокаралар ўтказиш мақсадида ўзи бошчилигида Германия ишбилармон доиралари делегациясининг мамлакатимизга навбатдаги сафарини уюштириш режалаштирилаётганини маълум қилди.

VTG Rail Logistics Deutschland GmbH компанияси вакили Карл-Хайнц Шмидт ўз чиқишида эътироф этганидек, Ўзбекистон улкан транспорт-транзит салоҳиятига эга. Компания вакили қишлоқ хўжалиги, саноат товарлари ва бошқа маҳсулотларни Европа ҳамда МДХ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон темир йўллари орқали ташиш юзасидан орттирган иш тажрибаларини атрофлича ўртоқлашди. У немис компанияларини изчил юксалиб бораётган Ўзбекистон билан барча соҳаларда фаол ҳамкорлик қилишга чакирди.

Papenburg International GmbH компанияси директори Кристиан Вальтер «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан мулоқот чоғида ўз компаниясининг Ўзбекистонда қурилиш соҳасидаги фаолиятдан мамнун эканлигини айтди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззахда Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 40 нафардан зиёд ёш истеъдод соҳиби иштирок этди.

• Навоийда «Ёш тадбиркор — юртга мададор» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Марказий банк вилоят бош бошқармаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, фермерлар ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 100 нафар ёш ўз бизнес лойиҳалари билан иштирок этди.

• «Футболимиз келажаги» республика турнирининг Бухоро вилояти босқичи якунланди. 13-14 ёшли болалар ўртасида ўтказилган баҳсларда мусобақанинг куйи босқичларида голиб бўлган ўн уч жамоа ўзарo кураш олиб борди. Саралаш учрашувларида ромитанлик ва ғиждувонлик тенгқурларини мағлубиятга учратган Пешку туманининг «Мустақиллик» жамоаси финалда Когоннинг «Ёш футболчи» жамоасини енгиб, турнирнинг Хоразмда ўтadиган минтақавий босқичига йўлланма олди.

• Наманган вилояти Уйчи туманида касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда мутахассислар ёшларга соҳага доир қонун ҳужжатлари, банк хизмати турлари, имтиёзли кредит олиш шартлари ва бошқа муҳим масалалар хусусида атрофлича тушунча ва тавсиялар беришди.

ЖАҲОНДА

• Малайзия соҳилларида йўловчи кемаси назоратчилар қайиғи билан тўқнашиб кетди. Оқибатда икки киши ҳаётдан кўз юмди. 17 нафар одамнинг тақдир эса номаълум бўлиб турибди. Улар ҳозирча бедарак йўқолган, дея ҳисобланмоқда.

• Хитойнинг «Hony Capital Ltd» инвестиция компанияси Буюк Британиянинг «PizzaExpress» пиццахоналар тармоғини 900 миллион фунт-стерлинг эвазига сотиб олди. Бу сўнгги беш йил ичида Европа ресторанлар бизнесида амалга оширилган энг йирик битим сифатида қайд этилди. «PizzaExpress»нинг айни пайтда 13 та давлатда 504 та ресторани ишлаб турибди.

• АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳридаги халқaro аэропортда мамлакат ҳудудига 16 кг. оғирликдаги Африка шиллиқуртларини олиб ўтишга уриниш ҳолати аниқланди. Улар иккита халта ичига яширилган экан. Нигериядан учиб келган самолётдан топилган бу юк кимга тегишли экани маълум эмас. Давлатлар қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зиён етказувчи бу зараркунандалар ўз ҳудудига олиб қилинишига йўл қўймайди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТИ БЕРЛИНДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Бугунги тақдимот немис ишбилармон доиралари вакилларига мамлакатингиз иқтисодий ривожланиши ва сармоявий имкониятларига доир батафсил маълумотлар билан танишиш учун жуда қулай имконият яратди, — деди у. — Намойиш этилган ҳужжатли фильм асосида Ўзбекистоннинг нафақат бой минерал хом-ашё, саноат ва интеллектуал салоҳияти ҳақида, балки унинг ноёб сайёҳлик имкониятлари тўғрисида ҳам атрафлича таъсирчан ҳосил қилдик.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини ажиқлаштириш келаётган миллий байрамнинг 23 йиллиги билан қутлашни истардим. Бизларнинг ўзаро

манфаатли ҳамкорлигимиз узоқ йиллар давом этишига умид қиламан.

«Ingenieurburo Dachroth» инженерлик бюроси раҳбари Норберт Дахрот ҳам элчихонада ўтказилган ушбу тадбир фойдали ва ахборотларга бой бўлганини айтди. У Ўзбекистоннинг кейинги йилларда турли соҳаларда қўлга киритган диққатга сазовор муваффақиятларини алоҳида эътироф этиб ўтди.

— Мен яқиндагина Ўзбекистон бўйлаб сафарим чоғида бунга шахсан гувоҳ бўлдим, — деди у. — Умуман олганда, ўзбек шерикларимиз билан ҳамкорликни мустахкамлаш учун мен катта имкониятларни кўрмоқдам. Ишончим комилки, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги иқтисодий алоқалар келажақ-

да бундан ҳам чуқурлашади. Шу боис биз катта сармоявий имкониятларга эга бўлган мамлакатингиз билан биргаликдаги саёй-ҳаракатларни фаоллаштиришдан манфаатдоримиз.

Ўзбек халқининг тобора яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами муносабати билан мамлакатингиз раҳбарияти ҳамда халқига ўзимнинг қўлловларим ва энг эзгу тилакларимни йўллашдан бахтиёрман.

RSW Holding GmbH компанияси вакили Тереза Кремер ўз компанияси ишлатилган шиналарни таъмирлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланишини маълум қилар экан, бу иқтисодиёт, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик хавфсизликнинг таъминланиши нуктаи назаридан Ўзбекистондаги манфаатдор шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун жуда истиқболли йўналиш эканлигини қайд этди.

— Бугунги тақдимот маросими Ўзбекистоннинг жуда барқарор мамлакат ва сармоя киритиш учун ишончли шерик эканлигини яна бир бор намоён этди, — деди у.

«Жаҳон» АА.
Берлин



САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хитойлик ишбилармонлар мамлакатимизда ташкил этилган қатор иқтисодий зоналарда фол иш юритмоқда. Хусусан, жорий йилда «Жиззах» махсус индустриал зонасида Хитой компанияларининг қиймати 50 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри инвестициялари иштирокида ўн бешдан ортиқ қўшма лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Форумда хитойлик ишбилармонларга «Навой», «Ангрен» ва «Жиззах» иқтисодий зоналаридаги имконият ва имтиёзлар ҳақида янада кенгроқ маълумот берилди.

Ўқилги-энергетика комплексидан ҳам ХХР билан ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Марказий. Қасб-ХХР газ қувурининг тўрта тармоғи ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтиши нефть-газ соҳасида юксак даражадаги ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликдан алоқат беради.

Хитой компаниялари юртимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазийш ишларида иштирок этаётди. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) нафақат истиқболли углеводород конларини қидириш ва ишга тушириш, балки Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

Мажлисда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган қўшма ишлари таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани, бу саёй-ҳаракатлар икки мамлакат манфаатлари йўлида хизмат қилаётгани қайд этилди.

— Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётгани бизни қувонтиради, — деди ЎзА мухбирига Хитой Халқ Республикаси тижорат вазирининг ёрдамчиси Чжан Сянчэнь. — Ушбу қўшма мажлис олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган қўшма ишлари таъминлаш, ҳамкорликда қатор қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун қулай имконият яратмоқда.

Анжуманда сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, «Ангрен» махсус индустриал зонасида қишлоқ хўжалиги ва автомобиль шиналари ишлаб чиқаришга оид ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, «Жиззах» махсус индустриал зонасини ривожлантиришга оид масалалар атрафлича муҳома қилинди. Нефть-газ, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Ноҳира МАНЗУРОВА

Реклама ўрнида

Мамлакатимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлиги туфайли юртимиз иқтисодий тараққиётида салмоқли ютуқларга эришилди, аҳоли турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бормоқда. Хусусан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига катта эътибор қаратилаётгани туфайли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифати тубдан ўзгарди. Ушбу соҳанинг равақ топишида эса юртимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

МИЖОЗ ИШОНЧИ — АСОСИЙ МЕЗОН

жакда «Капиталбанк» ОАТБ билан алоқаларни янада мустахкамлаб, олдинга қўйилган мақсадларни амалга ошириш, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш, фаолиятимизни янада кенгайтиришни ният қилганмиз. Фурсатдан фойдаланиб бизни қўллаб-қувватлаётган банк ходимларига миннатдорчилик билдириб ўтамиз. — Биз 2013 йилдан бери оилавий тадбиркорликни ташкил этиб, аҳолига юк ташиш хизматини кўрсатиб келмоқдамиз. 2013 йилда Марказий банк ташаббуси билан аҳоли ўртасида ўтказилаётган тадбирларнинг бирида иштирок этиб қолдим, — дейди тадбиркор М. Мирсайдуллаев. — Унда тадбиркорлик субъектлари учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредит турлари, унинг шартлари ҳамда ажратиш тартиблари, имтиёз ва афзалликлари бўйича батафсил маълумотлар берилди. Ёш тадбиркор сифатида бошланғич сармояни шакллантириш ва аҳолига юк ташиш хизматини йўлга қўйиш мақсадида «Капиталбанк» ОАТБнинг Наманган филиалидан 95 миллион сўм узоқ муддатли кредит олдим. Кредит маблағи ҳисобидан юк автотранспорти сотиб олинди. Ўтган муддат ичида аҳолига 56,4 миллион сўмлик хизмат кўрсат-

дик, эътиборлиси бу билан оилавий тадбиркорлик шаклланди. Келажақда фаолиятимизни янада кенгайтириб, мазкур банк кўмагидан фойдаланиш нияти-ми бор.

Бундан ташқари банк томонидан Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва савдо-саноат соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшма чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан 23,39 миллиард сўм кредит ажратилган. Ушбу даврда оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик йўналишига 909 миллион сўм, коллеж битирувчиларига жами 1,35 миллиард сўм кредитлар ажратилган.

— Термиз тиббиёт коллежини битириб, 2013 йилда «Сардор Фарм Термиз» хусусий корхонасини ташкил этдим, — дейди Н. Нурмаатов. — Жами қиймати 15 миллион сўмлик лойиҳа асосида тиббий дори-дармон маҳсулотлари чакана савдосини йўлга қўйиш учун кредит сўраб «Капиталбанк» ОАТБ Термиз филиалига мурожаат этдик. Банк ходими томонидан барча ишлар тез ва соз бажарилди. Биз сўраган кредитимизни олдик, бунинг ҳисобига 2 та янги иш ўрни яратилди. Бугунги кунда иш фаолиятимизни яхши йўлга қўйиб олдик ва уни кенгайтириш режасини тузаямиз. Насиб этса бизга ҳамкор банкимиз кўмакка келади ва аҳолига янада намунали хизмат кўрсатиш имконига эга бўламиз. Банк ходимларининг юқори даражадаги хизматлари учун миннатдорчилик билдирамиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «Капиталбанк» ОАТБ томонидан 2014 йил — Соғлом бола йилида белгиланган устувор вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш, миқозларга намунали хизмат кўрсатиш орқали элу юрт равақига муносиб ҳисса қўшишдек хайрли мақсад йўлида иш олиб боришмоқда.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУД ЖАРАЁНИНИНГ МУҲИМ ИШТИРОКЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатаси томонидан «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти (Словения) билан ҳамкорликда «Суд жараёнларининг самарали ва адолатли фаолиятини таъминлашда адвокатларнинг роли: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси» мавзусида халқаро конференция ташкил этилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда адвокатура институтини мустақиллигини кучайтириш, ушбу йўналишдаги халқаро тажриба, суд жараёнида прокурор ва адвокат тенглигини таъминлаш масалалари атрафлича муҳомада этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва адвокатлар, халқаро ташкилотлар вакиллари ва АҚШ ҳуқуқшунослари иштирок этди.

Адвокатлар палатаси раиси Р.Аҳмедов, Адлия вазирлиги ҳузуридаги юристлар малакасини ошириш маркази директори А.Ғафуров, «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг минтақавий директори М.Север ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар соҳани изчил демократлаштириш ва эркинлаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Адвокатура институтини янада мустахкамлаш ва фаоллаштириш, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари масалаларида тергов ва суд жараёнлари қонунийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Адвокатура институтини тубдан ислох этиш суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислохотларнинг муҳим вазифаси бўлиб, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлашга йўналтирилган. 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли таъминлашда янги босқични бошлаб берди.

Президентимизнинг 2008 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатда тергов ва суд жараёнининг ҳар қандай босқичида фуқароларнинг малакали ҳуқуқий ёрдам олишини кафолатлайдиган конституциявий нормаларни амалга ошириш, мазкур институтни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, адвокатлар мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, жамиятимизда уларнинг нуфузи ва мақомини оширишга қаратилган комплекс вазифалар белгиланган.

Чет эллик иштирокчилар прокурор ва адвокат тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд жараёнининг барча босқичларида ўзаро тортишувни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётганига юқори баҳо берди. «Адвокатура тўғрисида» ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан адвокатлар ҳуқуқий ҳимояси янада кучайтирилгани алоҳида таъкидланди. Бу эса халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос келади. Шунингдек, хориқлик экспертлар томонидан мамлакатимизда қонунларни тарғиб қилиш ва улар ҳақида аҳоли билим даражасини ошириш тизими ҳам юқори баҳоланди.

Семинарнинг интерфаол тарзда ўтгани самарали фикр ва тажриба алмашиш имконини берди, — дейди АҚШнинг «The Nature Conservancy» ташкилотининг катта юристи Дэвид Хэкин. — Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз чуқур билим ва юксак касб кўникмаларига эга эканини таъкидламоқчиман. Бу мамлакатингизда адвокатура институтини ислох этиш ўз самарасини бераётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Адвокатлар фаолиятини мунтазам таҳлил этиш ва илгор халқаро тажрибани ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Адвокатлар палатаси томонидан манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда соҳада оид қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига мувофиқ инсон ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий ҳимоя қилиш асослари ва кафолатлари шакллантирилиб, тегишли миллий инфратузилма яратилди. Инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланадиган миллий институтларнинг фаолият ортиётгани ҳам бунинг яққол исботидир. Мазкур институтлар жамиятимизда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданият даражасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ўзбекистонлик ҳамкасблар билан йўлга қўйилган яқин ҳамкорлик Ўзбекистон ва АҚШ адвокатлари фаолиятида қўллаб-қувватлаш хизматлари борлигини далил қилади, — дейди «Wombé Carlyle» фирмаси (АҚШ) адвокати Марк Шамел. — Треннингда иштирок этиб, мамлакатингизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётганига амин бўлдим. Жумладан, Ўзбекистонда соҳани ҳар томонлама билимли кадрлар билан таъминлаш имконини бераётган юристларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёни билан танишдим. Шунингдек, мамлакатингизда амалда қўлланилаётган ягона, оддий ва аниқ пайда самарали қонунчилик тизими ҳам суд-ҳуқуқ соҳаси устуворликларидан биридир. АҚШда эса ҳар бир штатнинг ўз қонунлари ва эга экани адвокатлар фаолиятини мураккаблаштирмоқда.

Тадбирда суд жараёнининг самарали ва адолатли бўлишини таъминлашда адвокатлар роли ҳақида атрафлича фикр алмашилди.

Треннинг иштирокчилари учун амалий машғулотлар ўтказилди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

КАПИТАЛБАНК

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ,
МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Бу борада «Капиталбанк» ОАТБ фаолиятини мисол тариқасида келтириб ўтадиган бўлсак, ушбу банк томонидан олиб борилаётган самарали ишлар туфайли юрт равақига муносиб ҳисса қўйиш мақсадида ишбилармонликка қўл урган қўллаб-қувватловларнинг лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Банк томонидан кўрсатилаётган хизмат, ўзаро манфаатли муносабатларнинг намунали йўлга қўйилганидан қўллаб-қувватловлар манамун. Бунинг ушбу молия муассасаси кўмаги туфайли ўз бизнесини йўлга қўйиб, ҳам оиласи, ҳам юртимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлар сонининг ортиб бораётганидан ҳам сезиш мумкин.

Хусусан, «Капиталбанк» ОАТБ томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан ҳўжалик юритувчи субъектларга 14,54 миллиард сўм, «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан эса ҳўжалик юритувчи субъектларга 30,91 миллиард сўмлик кредит ажратилди.

— «ABBOSEBOK-ASILBEK» оилавий корхонамиз ўз фаолиятини 2011 йилда бошлаган бўлиб, «Капиталбанк» ОАТБнинг Термиз филиали хизматидан фойдаланиб келмоқдамиз, — дейди корхона раҳбари Ю. Шаманов. — Банк томонидан тақийф этилган кредит турлари ва унда кўрсатиб ўтилган шартлар олдимизга қўйган мақсадларни амалга оширишга туртки бўлишини инобатга олиб ҳамкорликка рози бўлдик. Адашмаган эканмиз, озик-овқат маҳсулотлари ва яхна ичимликлар чакана савдоси билан шуғулланишни йўлга қўйган оилавий корхонамиз фаолиятини янада кен-

КАМОЛОТ

TOSHKENT SHAHAR KENGASHI

Бугунги кунда Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар Кенгаши ва унинг атрофидаги 11 та туман Кенгаши ҳамда ёшларнинг ўқиш, иш ва хизмат жойларида жами 692 та бошлангич ташкилотларининг фаолияти йўлга қўйилган.

Шулардан 294 таси умумий ўрта таълим мактабларида, 118 таси ўрта махсус касб-хунар, 32 таси олий таълим муассасаларида, 248 таси корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти ўз номига муносиб тарзда 6 та йўналиш доирасида фаолият олиб бормоқда. «Камалак» болалар ташкилоти 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган жами 80 002 нафар ўқувчи ёшларни ўз сафига бирлаштиргани қувонарлидир. Ҳар бир йўналиш бўйича ташкилот мақсад ва вазибаларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бормоқда.

— Мамлакатимизда ёшларга қаратилган кўплаб лойиҳалар, спорт мусобақалари, турли фестиваллар ўтказилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти раиси Сардор Маҳкамов. — Бугунги ёшларимизнинг дунёқарши кенглиги, ўз фикрига эгалигини кўриб, қувонасан киши. «Камалак» болалар ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, болалар томонидан олиб борилаётган ижтимоий фаолиятни кўллаб-қувватлаш, ташкилот аъзоларининг фаолият тизимини янада мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий нуфузини ошириш мақса-

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда ўз фаолиятини уларнинг ҳаёти, фикри, тафаккури, орав-интилишлари ва камолоти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бормоқда.

дида «Болажар» номли маданият ва истироҳат боғида «Камалак аъзосиман» лойиҳасининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. Тадбирга шаҳримизда жойлашган умумтаълим мактабларида таълим олаётган 10 ёшга тўлган 200 нафар ўқувчи «Камалак» болалар ташкилоти аъзоларига қабул қилинди.

КОМИЛЛИК САРИ ҚАДАМ

Бундан ташқари «Сардорлар мактаби» лойиҳаси йўлга қўйилди. Ушбу тингловчилар ҳамда турли оила фарзандлари иштирокида ўқув-семинарлар ташкил этиб келинмоқда. Жорий йилнинг 2 январдан 10 январга қадар Ҳаракатнинг барча туман Кенгашлари «Камалак» болалар ташкилоти томонидан «Камалак»дан янги йил!» лойиҳаси ташкил этилди.

Мазкур лойиҳа доирасида «Эзгу ишда бир-гамиз», «Ҳар доим «Камолот» билан бир-гамиз!» каби акциялар ўтказилди. Ушбу лойиҳалар доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи жисмоний имконияти чекланган болаларнинг уйларида бориб, совғалар улашилди.

Бундан ташқари «Сардорлар маркази» лойиҳаси жорий йилнинг май ойидан бошлаб Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар Кенгаши қошида ўз фаолиятини йўлга қўйди.

«Камалак» билимдонлари танлови «Камалак» болалар ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, болалар томонидан олиб борилаётган ижтимоий фаолиятни қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий нуфузини ошириш, келажақда мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган етук кадрлар бўлиб етиштишларига қўмаклашиш мақсадида ташкил этилди. Бу танлов жами пойтахтдаги 278 та умумтаълим мактабларида ўтказилди.

Оромгоҳларда дам олаётган болалар қалбида Ватанга муҳаббат, ҳурмат ҳиссини шакллантириш, уларни маънавий соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш ҳамда дам олиш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти томонидан жорий йилнинг июнь-июль ва август ойларида Тошкент шаҳрида жами 36 та умумтаълим мактабларининг қошида кундузги оромгоҳлар ташкил этилди. Мазкур оромгоҳларга Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар Кенгаши қошидаги «Сардорлар маркази» аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб жами 42 нафар аъзолар мактаб қошидаги кундузги оромгоҳларга юборилди.

Ёшлар Ватанимиз истиқболи, улар миллиятимиз бахти, эртаси эгалари. Амалга оширилаётган барча ишлар уларнинг келажақда ўз касбининг етук мутахассиси, юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшадиган инсон бўлиб етиштишларига хизмат қилади.

Зиёда РАСУЛОВА

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, Конституция ва қонунларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада ёшларимиз иштирокида давра суҳбатлари, семинар ва учрашувлар ташкил этилаётир.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан таълим муассасаларининг ўқувчи-талабалари, маҳалла ёшлари, ҳаракатнинг бошлангич ташкилот етакчилари ҳамда корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган ёшлар иштирокида Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига ташриф уюштирилди. Ташриф доирасида ёшларнинг қонун ҳимоячилари билан учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

Тадбирдан қўзғалган мақсад сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришдан иборат.

— Ушбу ташриф ўқувчи ва талабаларимизга тизимда амалга оширилаётган исло-

хотлар билан танишиш, қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини англаб етиши унинг ҳаётини ҳамда касбий фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Мана шундай учрашув ва давра суҳбатларининг ташкил этилиши эса бу борадаги ишларга катта ҳисса қўшади.

Давра суҳбати давомида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясида суд ҳокимиятининг роли, жинсий ҳазони либераллаштириш, судга қадар бўлган босқичда суд назорати ҳамда амнистия актини қўллашда суд тартибининг ўрнатилиши, республика-мизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, судлар тарихи ва ривожланиши борасида сўз юритилди ва маърузалар қилинди. Иштирокчи ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга етарлича жавоб олишди.

Абдували СОДИҚОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

ФАОЛЛАР ДОИМ ҲАРАКАТДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Учтепа туман Кенгаши томонидан Кенгаш қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлар» марказининг фаол ўқувчи-ёшларининг туманда жойлашган «Ватан» кинотеатрига ташрифи уюштирилди.

Унда Кенгаш қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлар» марказининг 25 нафар фаол ва ташаббускор йигит-қизлари қатнашди. Ташриф давомида ўқувчилар учун Худойберди Тўхтабоевнинг болаларга мўлжалланган «Сариқ девни миниб» асари асосида суратта олинган «Сариқ девни миниб» («Сехрли қалпоқча-2») бадий фильми намойиш этилди.

Таъкидлаш керакки, мазкур кинофильмдаги воқеалар, қаҳрамонларнинг гаройиб саргузаштлари алаббёт илҳомламалари, айниқса, жажжи болажонларнинг сеvimли фильмларидан бирига айланиб улгурган. «Сехрли қалпоқча» кинофильмининг мантикий давоми бўлган ушбу картинани болажонлар мириқиб томоша қилади. Кино давомида иштирокчиларнинг сеvimли қаҳрамонлари тақдирига қизиқиши янада ортади.

«Камолот» ЁИХ Учтепа туман Кенгаши бош мутахассиси Шоҳруҳ Расуловнинг таъкидлашича, асар бош қаҳрамони Хошимоннинг саргузаштлари барча ўқувчиларда ижобий таассурот қолдириб, кўпчиликда асарни қайта ўқиб чиқиш истагини уйғотди.

Дарҳақиқат, бундай юксак бадий савиядаги асарлар тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан ҳам эътиборлидир. Тадбир мобайнида ёшлар маданий ҳордик чиқарибгина қолмасдан, балки эстетик завқ, маънавий-маърифий озуқа олишди, десак хато бўлмайдими.

Ўқувчилар кинозални юқори кайфиятда, ижобий таассуротларини бойитган ҳолда тарқ этишди. Ташриф қизиқарли ва мароқли тарзда ўтказилгани билан барчанинг хотирасида сақланиб қолиши шубҳасиздир.

Дилшод РЎЗИКОВ

БИЗ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИМИЗ

Шаҳримизнинг Яккасарой туманида жойлашган «Қушбеги» маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» шиори остида тадбир ўтказилди.

Унда маҳалланинг фаол ёшлари иштирок этиб, улар ўртасида қизиқарли ўйинлар ташкиллаштирилди. Шу билан бирга уларнинг билим ва салоҳиятлари ҳамда спорт билан қанчалик шугулланишлари аниқланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларга ОИТС ва чекишнинг зарарли оқибатлари ёшларнинг соғлиғига қанчалик хавф солиши ва бундай иллатларга қарши кураш олиб бориш кераклиги ҳақида фикрлар билдирилди.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ОИТС касаллиги, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, тамаки чекиш каби иллатларнинг олдини олишдан иборатдир, — дейди «Қушбеги» маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Доно Карабаева. — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши билан ҳамкорликда доим мана шундай тадбирларни ўтказишимиз на-тижасида маҳалла ёшларининг жамоат ишларида фаолликлари янада кучаймоқда. Асосийси уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга эришилмоқда.

Тадбир сўнггида фаол иштирок этган ёшларга ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Зафар НАЗАРОВ

Пойтахтимиздаги Экобоғда «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Соғлом ҳаёт» акцияси ўтказилди.

САЛБИЙ ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИМИЗ

Ушбу акцияда «Саломатлик», «Спорт», «Биз ёшлар гиёҳвандликка қаршимиз!» ва «Соғлом ҳаёт» бекатлари ташкил этилди. Акция иштирокчилари бекатларда берилган топшириқларни бажаришди. «Биз ёшлар гиёҳвандликка қаршимиз!» бекатида расмлар танлови ўтказилиб, қатнашчилар бор маҳоратларини намойён этишди. Бундан ташқари «Соғлом ҳаёт» бекатида салбий иллатларни акс эттирувчи сахна кўринишларини ижро этишлари ёшларга манзур бўлди.

— Тошкент шаҳар ҳокимининг жорий йил июнь ойидаги «Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги»ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ижросини таъминлаш мақсадида Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан пойтахтимиздаги барча академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчи-ёшлари ўртасида «Биз ёшлар салбий иллатларга қаршимиз» шиори остида тарғибот тадбирлари ташкил этилди, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши бўлими мудири Гўзал Газиёва. — Мазкур тадбирлар вояга етмаган

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмонан соғлом, ақлан етук бўлиб камол топишларига қўмаклашиш, улар орасида ОИТС, гиёҳвандлик ва борақа турли иллатларга қарши иммунитетни шакллантириш, ёш авлодини миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлардан сақлаш, тиббий маданиятни ошириш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш ҳамда ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш, жамоатчиликнинг тиббий маданиятини ошириш мақсадида ўтказилганини таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари Ҳаракатнинг туман Кенгашлари томонидан «Гиёҳвандликка 5 қарра йўқ», «Биз гиёҳвандликка қаршимиз», «Гиёҳванд моддаларсиз соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш» каби мавзуларда давра суҳбатлари, соҳа мутахассислари билан учрашувлар ўтказилди. Ўтказилган тадбирларда 5000 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Замира РАҲИМОВА

ИНТЕРНЕТ ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимизда ЎЗ миллий доменининг навбатдаги интернет фестивали бошланди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази ва «InfoCOM.UZ» журнали томонидан ташкил этилган.

Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари А.Файзуллаев ва бошлар интернетни омаллаштириш ва аҳолининг ундан кенг фойдаланишини таъминлаш Президентимиз раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Ҳар йили ўтказиб келинаётган ЎЗ миллий домени интернет фестивали аҳолининг кенг қатламлари ўртасида интернет тармоғини омаллаштириш, миллий контентни ривожлантиришга қўмаклашиш ва жаҳон ахборот тармоғига Ўзбек тилини қўллашни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу интернет фестивали жорий йил 15 июлидан 22 сентябрга қадар бўлиб ўтади. Фестивалда иштирок этиш учун унинг www.uz.uz расмий сайтида тақдим этилган рўйхатдан ўтишнинг махсус шаклини тўлдириб, аризаларни эса шу йилнинг 1 сентябригача топшириш зарур.

Фестивалнинг танлов дастуридан 10 мавзуга оид ва икки махсус номинация ўрин олган. Дастурга мавзуга оид ҳар 10 номинация иштирокчилари учун WWW.UZ миллий қидирув тизимидан махсус мукофотлар киритилган. Мавзуга оид ҳар бир номинация иштирокчилари орасидан энг кўп хост тўпла-ган 10 сайт ғолиб бўлади, шунингдек, фестивалнинг беш совриндори аниқланади. Ҳар бир номинация бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган ғолиблар диплом ҳамда мукофотлар билан тақдирланади. Жорий йилда фестивал доирасида мамлакатимиз дастуричи томонидан ишлаб чиқилган энг яхши мобил иловалар ва ижтимоий тармоқлардаги ҳамжамиятлар саҳифалари ҳам тақдирланади.

Фестиваль якулири «InfoCOM – 2014» ахборот технологиялари ҳафталигининг дастлабки кунда сарҳисоб қилинади.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларида тақлиф этади!
«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 26 август кунин соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:
1. Чилонзор туман СИБ томонидан, ЖИБ Каша-дарё виллоят судининг 21.04.2014 йил 21 апрел кун-ги 2-26-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 7-уй, 31 ва 32-хонадонларда жойлашган, 31-хонадон-нинг умумий майдони 59,23 кв.м., яшаш майдони 27,25 кв.м., 32-хонадоннинг умумий майдони 56,62 кв.м., яшаш майдони 26,84 кв.м. бўлган уй-йўллар. Бошлангич нархи – 239 911 800 сўм.
2014 йил 28 август кунин соат 11:00 да бўлиб ўта-диган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар Ми-робод туман СИБ томонидан тақдоран қўйилмоқда:
1. ЖИБ Юнусобод туман судининг 2013 йил 19 февраль кунги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уйда жойлашган, умумий ер майдон-ни 283 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 76,15 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи – 63 144 000 сўм.
2. ЖИБ Тошкент виллоят судининг 2012 йил 1 июнь кунги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатлан-ган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ 7-берк кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи – 165 962 937 сўм.
3. ЖИБ Тошкент виллоят судининг 2012 йил 20 фев-раль кунги 2-124-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 177-уйнинг 1/4 қисмида жойлашган, умумий майдони 317 кв.м., фойдаланиш майдони 133,07 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи – 210 986 382 сўм.
4. ЖИБ Тошкент шаҳар виллоят судининг 2012 йил 17 ноябрь кунги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўласида жойлашган, умум-ий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобил-ларни қўйиш жойи. Бошлангич нархи – 36 311 850 сўм.
Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафта-нинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кун-и қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси-да қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошлангич нархининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақа-ми ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алохи-да тартибда «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капитал-банк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020800020492751003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.
Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.
Лицензия: № RR-0017.

Билдириш:

1. «Тошкент оқшоми» рўзномасининг 2014 йил 4 июль кунги 131-сонида чоп этилган хабарномадаги Чилонзор тумани, 16-мавзе, Каттортол кўчасида жойлашган савдо расталари мажмуасининг аукцион савдоси Чилонзор ту-ман суд ижрочилари бўлимининг 2014 йил 14 июль кунги хатига асосан тўхтатилади.
2. «Тошкент оқшоми» рўзномасининг 2014 йил 9 июль кунги 134-сонида чоп этилган хабарномадаги аукцион савдоси ўтказиладиган сана 2014 йил 19 июль кунги ўрнига 2014 йил 29 июль кунги деб ўқилсин.
«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатда олиш инспекцияси томонидан 2014 йил 12 мартда Реестр №009010-10 рақами билан рўйхатдан ўтган «E'ZOSHOX FAYZ RIVO'» масъу-лиятли чекланган жамияти (ИНН 302 865 385) туга-тилади.
Давволар эълон нашр қилинган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: (+99894) 637-81-91.

